

Сотворенъ рабагоу твоюу Орановаго иудейскаго царя, а занахъ мордехъ, а вввввввввв

Бандихон туман

“Хумо газ ойл МЧЖ бундан-буён «Таъминотчи» деб аталувчи, рахбари **А.Эргашев** Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва «Ободонлаштириш бошқармаси» бундан буён «Истеъмолчи» деб аталувчи, рахбари **М.Қурбонмуротов** ва, Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан куйидагилар тугрисида шартнома тузадилар:

1. Шартнома предмети

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи» эхтиёжи учун лозим булган товар-моддий бойликларни етказиб беради, «Истеъмолчи» эса товар-моддий бойликларни кабул қилиб, мазкур шартнома шартлари асосида туловларни амалга оширади.

2.Товар моддий бойликнинг нархи ва умумий киймати

2.1 Товар моддий бойликнинг киймати Республикамиз миллий валютаси сумда белгиланади.

№	Товар моддий бойликнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Умумий суммаси
1	Дизел ёқилғиси	литр	5376	9300	49 996 800.00
	Жами:				49 996 800.00

2.2 Шартнома умумий суммаси 49 996 800 (кириқ тўққиз ммиллион тўққиз юзи тўқсон олти минг саккиз юз) сўм 00 тийини ташкил этади

2.3 «Таъминотчи» товар моддий бойликларнинг киймати нарх ошганлиги натижасида узгарганда, «Истеъмолчи»га олдиндан хабардор қилиб, товар моддий бойлиқнинг узгарган нархини асослаган ҳолда сотади.

2.4 «Истеъмолчи» узгарган нархлар асосида кушимча туловларни бюджетда курсатилган лимит доирасида амалга оширади .

3. Тулов шартлари.

3.1 «Истеъмолчи» товар моддий бойликлар тулик кийматининг олдиндан **100%** миқдорда 5 банк кунда «Таъминотчи»нинг махсус ҳисоб рақамига пул утказиш йули билан туловни амалга оширади.

3.2. «Истеъмолчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда «Таъминотчи» шартномада курсатилган маҳсулотларни бермасликга ҳақли бўлади.

3.3. «Таъминотчи » томонидан товар моддий бойликларни уз ватида етказиб бермаса, бунинг натижасида иккинчи томон жиддий зарар курса бир томонлама шартномани бекор қилишга асос бўлади

4. Товар моддий бойликни етказиб бериш тартиби.

4.1. Товар моддий бойликни белгиланган вақтда «Истеъмолчи» томонидан (манзил) Бандихон тумани «Чинор» маҳалласида жойлашган «Автомобиларга ёкилги куйиш шахобчаси» олинди

4.2 Товар моддий бойликларни етказиб бериш тартиби ушбу шартноманинг 3.1. бандига асосан пул маблағлари «Таъминотчи» нинг ҳисоб рақамига утказилгандан сунг 3 банк иш кунида бажарилиши шарт.

4.3. Товар моддий бойликни тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончнома такдим этилгандан сунг Адлия вазирлигининг 27.05.2003 йилдаги №1245-сонли курсатма(тартиб)га асосан махсулот олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида чиқарилади.

4.4. Ишончнома нотугри расмийлаштирилган холда «Таъминотчи» товар моддий бойликларни чиқаришдан бош торттишга ҳақли.

4.5 «Истеъмолчи» товар моддий бойликларни «Таъминотчи»нинг омборидан олиб кетиш харажатларини уз зиммасига олади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 «Таъминотчи» мажбуриятлари:

• Олдиндан шартноманинг 3,1 бандини амалга оширилгандан кейин, «Истеъмолчи»га шартномада курсатилган товар моддий бойликни етказиб беради;

• «Истеъмолчи»га товар моддий бойликнинг сервис китобчасини, паспортини, счет-справкасини ва яроклилик сертификатидан нусха такдим қилиш;

- Товар моддий бойликни етказиб келинганлиги хақида «Истеъмолчи»ни хабардор қилади.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонлар шартномада курсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва 29.08.1998-йилдаги 670-1-сонли «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Қонунининг асосан 25-32 бандлари бўйича жавобгар бўладилар.

6.2. Туловлар муддати кечиктирилганда, «Истеъмолчи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 миқдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тулайди.

6.3. Товар моддий бойликни етказиб беришни кечиктирилганлиги учун «Таъминотчи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 % миқдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тулайди.

6.4. «Истеъмолчи» томонидан товар моддий бойлик ишлатилиши жараёнида содир этилган қонун бузилиш ҳоллари учун «Таъминотчи» мажбурият олмайди.

6.5 Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

6.6 Шартномани бажаришдан (шартномада курсатилган ҳолатлардан ташқари) бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама узгартириш киритишга йул қуйилмайди.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома бўйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.

7.2. Томонлар уртасада шартномани тузишда, бажарилишида, узгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни қоплашда юзага келадиган низолар оғохлантириш ва даъво ҳатлари тартибида, агарда муроасага келинмаганда вилоят Хужалик Суди орқали ҳал қилинади.

8. Қушимчалар

8.1. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узгариш ва қушимчалар қонуний қучига эга бўлади. Узгариш ва қушимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

9. Форс- мажор

10.1 Агар шартнома тузилгандан сунг икки томон уз мажбуриятларини гайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажарилмаса, ҳеч қайси томон тула ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1. Мазкур шартнома имзоланиб бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузулиб, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар улар ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин қучга қиради ва 31 декабрь 2022 йилгача амалда бўлади.

9.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб икки томон учун ҳам тенг қучга эга. бўлиб банк ҳисоб-қитобларини амалга оширишга асос бўлади.

11. Томонларнинг юридик манзили

«Таъминотчи»

НОМИ_ «Хумо газ ойл» МЧЖ

МАНЗИЛ_ Бандихон туман «Чинор» маҳалласи

ХҲР 20208000900641816001

ИНН 303786855

МФО 00933

БҲК НОМИ Жарқуғон қишлоқ қурилиш банк

РАХБАР _____ А.Эргашев
(имзо) (ф.и.о)

«Истеъмолчи»

НОМИ: «Ободонлаштириш бошқармаси»

МАНЗИЛ: Бандихон туман «Бектепа» маҳалласи

ШҲР: 100022860222037011503110001

СТИР: 307165485 ОКОНХ: 81300

Сурхондарё вилоят Ғазначилик бўлими

Ғазна х\в: 23402000300100001010

ИНН: 201122919 МФО: 00014

Тошкент шаҳар Марказий банки ХҚҚМ

РАХБАР _____ М.Қурбонмуротов
(имзо)





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"XUMO GAZ OIL " Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"XUMO GAZ OIL " MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

09.02.2016

112

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

303786855

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:


Surxandaryo viloyati, Bandixon tumani, BIRDAMLIK MAHALLASI,

Guvohnoma:

Surxandaryo viloyati, Bandixon tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: Xo'jalik shartnomasi. №1

2. Loyihaning nomi: Bandixon tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan "Xumo Gaz Oyl" MChJ, o'rtasidagi shartnoma.

Shartnoma bo'yicha bir yillik ko'zda tutilgan to'lovning umumiy qiymati 49 996 800 (qirq to'qqiz million to'qqiz yuzi to'qson olti ming sakkiz yuz) so'mni tashkil etadi.

Bandixon tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan "Xumo Gaz Oyl" MChJ, o'rtasidagi shartnoma o'rtasidagi xizmat ko'rsatish predmetidan iborat shartnoma shakli, mazmun mohiyati va yuridik texnika talablariga rioya etilishi jixatidan, O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi 670-1-sonli "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuniga asosan, shartnoma predmeti, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutilgan.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Bandixon tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022 yil 20 yanvarda kiritilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, mazkur mehnat shartnomasining loyihasini huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijasiga ko'ra yakuniy

X U L O S A

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi 670-1-sonli "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuniga hamda Adliya vazirligining 27.05.2003 yildagi №1245-sonli kursoratmaga asosan ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Surxondaryo viloyat adliya boshqarmasi
huzuridagi Bandixon tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



F.E.Dulliyev

2022-yil 21 yanvar.